



**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Маънавият  
ва маърифат кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Маънавият ва маърифат кенгаши (бундан кейин матнда “Кенгаш” деб юритилади) мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи нодавлат ноижорат, ноюрidik орган бўлиб, маънавий, маърифий, маданий ва бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайди.

У ўз сафида ички буйруқ билан тасдиқланган раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ҳамда институтнинг масъул ходимлари ва раҳбарларини бирлаштиради.

2. Мазкур Низом идоравий тегишлилигидан институтга нисбатан, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

3. Кенгаш институтда жамоатчилик асосида таълим-тарбия жараёнларини қўллаб-қувватлаш ҳамда самарали ташкил этишда кўмаклашиш учун ташкил этилади. Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди.

4. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларн ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ўшбу Низом асосида амалга оширади.

5. Кенгаш таркиби аъзолардан ташкил топиб, улар томонидан талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва мафкуравий иммунитетини, педагогик жамоадаги ижтимоий-маънавий муҳит, профессор-ўқитувчилар ва масъул ходимларнинг маънавий қиёфаси масалалари кўриб борилади.

6. Кенгаш ўз фаолиятида қонунийлик, илмий-маърифийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилади.

Кенгаш ўз мақомига кўра, институтда азалий маънавий қадриятларимизни, миллий тарбиявий меросимиз ва анъаналаримизни, аждодларимизнинг тарбия соҳасида эришган илғор тажрибаларини ҳамда замонавий тарбия технологияларини уйғунлаштириш ва оммалаштириш, ёшлар тарбияси масалалари бўйича масъулиятини, фаоллигини кучайтиришга қаратилган амалий тадбирларни ташкил қилади ва уларда иштирок этади.

7. Кенгашнинг тўлиқ расмий номи: Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Маънавият ва маърифат кенгаши.

8. Кенгаш фаолиятининг мuddати чекланмаган.

9. Кенгашнинг асосий ишини институтнинг Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этади ва назоратини олиб боради.

Кенгашнинг асосий ишчи органи институт “Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат” бўлими ҳисобланади.

## **II боб. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари**

10. Кенгашнинг асосий мақсади талаба-ёшларни халқимизга хос одоб-ахлоқ меъёрларига мос, миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқатли қилиб тарбиялаш, педагогик маърифий ишларни кенг амалга ошириш, миллий тарбия услуб ва шакллари, миллий ғоя ва маънавиятни изчил тарғиб қилиш орқали юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашга кўмаклашиш, педагогик жамоада, умуман институтда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда унинг мустақамлигини таъминлаш, талабалар ва ёш мутахассислардаги мафкуравий иммунитетни оширишга доир ишларни ташкил қилиш ва назорат қилиб боришдан иборат.

У ривожланган давлат қуришдаги энг муҳим омил ҳисобланган ёшлар тарбиясини ривожлантириш мақсадида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий қилиш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотларига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини оширишнинг самарали тизимини яратиш, мамлакатимизнинг ҳар бир йигит-қизиди ватанпарварлик, юксак ахлоқий фазилатлар, мустақам ирода, мафкуравий иммунитет, дахлдорлик ва ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажариш, мамлакат тақдири, унинг мустақиллигини мустақамлашда масъуллик туйғуларини шакллантириш ишларига раҳбарлик қилади.

Шунингдек, ёшлар тарбияси, маънавияти, маърифати ва маданиятига доир ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини янада оширишга, тизимдаги маънавий юксалишни таъминлашга кўмаклашади.

### **11. Кенгаш қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, натижадорлигини таъминлаш ва профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар орасида юксак ахлоқий фазилатларни тарғиб қилиш;

ёшларда инсонпарварлик ва меҳр-окибат асосида ўзаро ҳурматни янада ошириш, ижтимоий, сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ижтимоий педагогик шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишга кўмаклашиш, умумий раҳбарлик қилиш ва назоратини олиб бориш;

мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнларининг самарали ишлашини таъминлаш орқали натижадорлигини оширишга оид назарий ва амалий семинарлар, конференциялар, ўқув тренинглари ташкил қилиш, консультатив хизматлар кўрсатиш ва бунда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

педагоглар, маънавий-маърифий ишлар бўйича масъулларнинг тарбиявий ишлар методикасига оид касбий малакасини ошириш йўналишида фаолият юритувчи ташкилотлар билан доимий алоқалар боғлаш;

жаҳон ва давлатимизнинг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар ҳамда миллий тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиб, институт тизимида татбиқ этишга кўмаклашиш;

ёш мутахассисларнинг педагоглар сулоалари, дарсликлар ва кўлланмалар муаллифлари, олимлар, адиблар билан ижодий мулоқотларни ташкил қилиб бориш;

миллий маънавият, тарих, санъат, урф-одатлар ва анъаналарни оммалаштиришга бағишланган фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар, талаба-ёшлар спартакиадасини ташкил этиш ва ўтказишдаги фаолликни таъминлаш;

малакали, катта меҳнат стажига эга бўлган маънавият ва маърифат ходимлари, устоз-мураббий, ўқитувчилар билан ёш педагоглар ўртасида ўзаро тажрибалар алмашиш ишларини амалга ошириш;

юртимизда таълим-тарбия, миллий ҳамда маънавий қадриятларимизга, миллий ғоя тарғиботи ва мафкуравий жараёнларга тааллуқли ислохотларнинг кенг миқёсда тарғиб қилинишини, ушбу ислохотларнинг мазмун-моҳиятини талабалар қалби ва онгига сингдиришда зарур услубий тавсиялар ишлаб чиқишни ташкил этиш;

мураббийларнинг ёшлар тарбияси олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган долзарб мавзулардаги конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа турли тадбирлар уюштириш;

ёшлар ҳаёти, бўш вақти ва фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истикболли ғоялар ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш;

талабаларнинг ижтимоий, маънавий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган зарур шароитлар яратиш, ёшларни илм олишга, касб-хунарга йўналтиришга улубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

ташки ва ички таҳдидлар ҳамда турли бузғунчи ғоялар таъсирига қарши турувчи миллий ахлоқ-одоб меъёрлари, уларга амал қилиниш ҳолатлари бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, ментал хусусиятларимизни муттасил ривожлантиришга қаратилган концепциялар, таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда тегишли давлат ҳокимияти идораларига, нодавлат ташкилотларига, ОАВ ҳамда нашрлар муассисларига таклифлар киритиш ишларига умумий раҳбарлик ва ташаббускорлик қилиш;

талабаларнинг ижтимоий-маънавий, ахлоқий-мафкуравий, илмий-маданий савиясини янада ривожлантиришга, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган бошқа дастурлар ва лойиҳаларга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

ушбу низом фаолияти доирасида бошқа идора ва муассасалар ҳамда жисмоний шахслар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар билан ҳамкорликда қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ижтимоий шериклик асосида амалга ошириш.

### **III боб. Кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

12. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
бепул педагогик маслаҳатлар бериш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш;  
мазкур Низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

13. Кенгашнинг мажбуриятлари:

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва Кенгаш низомига мувофиқ амалга ошириш;

Кенгаш фаолиятида ошкораликни таъминлаш;

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Кенгаш аъзолари фақат ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

#### **IV боб. Кенгаш раиси ва аъзолари**

15. Кенгаш раиси:

Институт ректори қоида тариқасида Кенгаш раиси ҳисобланади;

Кенгаш фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади;

Кенгаш йиғилишларинини олиб боради;

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишларида Кенгаш номидан иштирок этади;

Кенгаш раҳбари қонунчиликка ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Кенгаш раисининг ўринбосари, “Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат” бўлими бошлиғи Кенгашнинг масъул котиби ҳисобланади.

17. Кенгашга аъзолик Кенгаш раиси (институт ректори)нинг буйруғи ёки Кенгашнинг навбатдаги ёхуд навбатдан ташқари йиғилиш қарорлари билан амалга оширилади.

18. Кенгаш аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Кенгаш фаолияти тўғрисида маълумот олиш;

Кенгаш томонидан ўтказиладиган тadbирларда иштирок этиш;

Кенгашнинг фаолияти бўйича таклифлар бериш ҳамда уларнинг кўриб чиқишида иштирок этиш;

19. Кенгаш аъзосининг бурчлари:

Кенгаш Низомига қатъий риоя этиш;

Кенгаш йиғилишларида иштирок этиб бориш (узрли ҳолатлар бундан мустасно);

Кенгаш йиғилишларига пухта тайёргарлик кўриш ва доимо ҳисобот беришга тайёр туриш;

Кенгаш йиғилишларида қабул қилинган қарорлар ижросини ўз вақтида таъминлаш.

20. Кенгашнинг ҳар бир йиғилишида котиб томонидан имзоланадиган ҳамда раис томонидан тасдиқланадиган баённома юритилади.

21. Кенгаш аъзоларига моддий рағбатлантириш ҳақи тўланиши ва уларнинг ўз вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ харажатлар вазирликнинг тегишли бошқармалари билан ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда ҳомийлик асосида опланиши мумкин.

## **V боб. Кенгаш хузуридаги мониторинг гуруҳи**

22. Кенгаш фаолияти ҳамда институтдаги ёшлар тарбияси ва маънавий-маърифий соҳадаги ишлар натижадорлигини ўрганиб борадиган Мониторинг гуруҳи ташкил этилади.

23. Мониторинг гуруҳи институтдаги раҳбар-ходимлари, шунингдек, педагог ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади.

24. Мониторинг гуруҳи томонидан институтнинг маънавий-маърифий қиёфаси ва ёшлар тарбиясига қаратилган ишлари натижадорлигини ўрганиш бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва унинг янгилаб борилишини таъминлайди.

25. Мониторинг гуруҳи махсус ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида институтнинг маънавий-маърифий қиёфаси ва ёшлар тарбиясига қаратилган ишлари натижадорлигини доимий мониторинг қилиб боради.

26. Кенгаш йиғилишларига тахлилий материаллар тайёрлайди.

27. Кенгаш йиғилиши кун тартибига институтда қуйидагиларнинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлилинини киритиб боради:

Ёшлар тарбияси, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлиги билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, йиғилиш баёнлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари, вазирликнинг Маънавият ва маърифат кенгаши қарорлари, институт Маънавият ва маърифат кенгаши қарорлари;

Давлат дастурлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

Олий ва ўрта махсус таълим таълим муассасаларининг низомлари;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонун;

Давлат таълим стандарти;

институтнинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича барча Низомлар;

Ушбу Низомда кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар.

## **VI боб. Якуний қоидалар**

28. Кенгашнинг иш режасини Кенгашнинг масъул котиби ишлаб чиқади ва раис томонидан тасдиқланади.

29. Кенгашнинг ҳар бир йиғилиши ҳужжатлари икки нусхада расмийлаштириб борилади, улар Кенгаш котиби ва институтда сақланади.

30. Кенгаш йиғилишлари баёни билан институтнинг маънавий-маърифий ишлар ва шу соҳага доир бошқа масалалари бўйича иш режалари ҳамда чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланиши мумкин.

31. Кенгашнинг ҳар бир йиғилиши баёни институт Кенгашларида муҳокама қилинади ҳамда қарор ижроси доимий равишда назорат қилиб борилади.